

Impact Factor: 5.479

ISSN 2181-9505  
Doi Journal 10.26739/2181-9505

# Philosophy and Life

FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

July | Special Issue 2 | 2021

August

Special Issue 2

2021



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI  
HUZURIDAGI IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
O'ZBEKISTON FALSAFA JAMIYATI

Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари  
при Кабинете Министров Республики Узбекистан  
Философское общество Узбекистана

Imam Bukhari International Research Center under the Cabinet  
of Ministers of the Republic of Uzbekistan  
Philosophical Society of Uzbekistan

# FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ  
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

PHILOSOPHY AND LIFE  
INTERNATIONAL JOURNAL

Jurnal bir yilda 4  
marta nashr qilinadi.

Журнал выходит  
4 раза в год.

The journal is published  
4 times in a year.



ISSN: 2181-9505

DOI: 10.26739/2181-9505



JULY | N° SI-2  
AUGUST | 2021

## MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Илёсжон Сиддиқов Баҳромовиҷ</b> ИЛМИЙ, ИЖОДИЙ МЕРОС ВА ЖАМИЯТНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИ.....	8
<b>2. Сиддиқов Илёсжон Баҳромовиҷ</b> ИСЛОМ ФАЛСАФАСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ ВА АКСИОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	13
<b>3. Жумаев Соҳибжон Ботирбоевиҷ</b> ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА.....	21
<b>4. Жуманиёзов Ҳушинуд Сапаевич</b> ГЛОБАЛЛАШУВ, ГЛОБАЛ МУАММО ВА ИНТЕГРАЦИЯ АТАМАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.....	27
<b>5. Собирова Марҳабо Абдуғаниевна</b> МИЛЛИЙ ФОЯ ТАРГИБОТИДА ЭТНОМАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.....	37
<b>6. Нормаматова Махсуда Нурмаматовна</b> ЖАМИЯТНИ ВИРТУАЛЛАШТИРИШ: АСОСИЙ ОМИЛЛАР ВА ДЕТЕРМИНАНТЛАР.....	48
<b>7. Абдурахмонов Ғайратжон Зокирович</b> УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНАСИДА ЖАМИЯТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯГА ЭҲТИЁЖНИНГ ОБЕЪКТИВ ЗАРУРАТИ.....	57
<b>8. Ахметжанова Муқаддас Вахабовна</b> ХАЛҚ - МИЛЛИЙ ҶАҲРАМОН: ЭТНОПОРТРЕТ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ.....	65
<b>9. Ганиев Баҳодиржон Содиқжонович</b> ЖАМИЯТ ИҚТисодий ТАРАҚҚИЁТИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ.....	76
<b>10. Гафуров Баҳромжон Адҳамович</b> РАЗВИТИЕ ЛОГИКИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В СРЕДНИЕ ВЕКА.....	86
<b>11. Жураев Шерали Соибназар ўғли</b> АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ “АЛ-ИШОРАТ ВА АТ-ТАНБИҲОТ” АСАРИДАГИ БАХТ-САОДАТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.....	98
<b>12. Исақова Замирахон Рухитдиновна</b> ИРФОНИЙЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ.....	108
<b>13. Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna</b> CONTENT AND ESSENCE OF THE IRFAN CONCEPT.....	118
<b>14. Makhmudova Aziza Nugmanovna</b> LEGAL CULTURE, LEGAL CONSCIOUSNESS AND THE RELATIONSHIP IN THE PROCESS OF LEGAL SOCIALIZATIONAL.....	130



УДК: 1:28(093)

**Исақова Замирахон Рухитдиновна**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент  
Наманган давлат университети  
e-mail: ms.outstanding@mail.ru  
(Ўзбекистон, Наманган)

## ИРФОНИЙЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2021-SI-2-12>

### АННОТАЦИЯ

Ҳар бир инсон буюк истеъдод эгасидир, фақат истеъдодни кашф этиш инсоннинг ўзида, хатти-ҳаракати, ўй-фикридан, истеъдод ўзига тортадиган, унга иштиёқ билан муносабатда бўладиган, инсоннинг руҳини шодликка ва қувончга тўлдирадиган ва бирон ишни бажараётганида юрагига олов ёқадиган, инсонни кучли руҳий кўтаринкилик билан ҳаракатга келтирадиган кучdir. Инсон қалбининг тубида ўз имконияти ва истеъдодини эзгулик учун йўналтира олса, қандай иш бўлмасин, ўз-ўзини кашф эта олади. Инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юборадиган ғоялар бехосдан чақкан чақмоқ ёлқинидек қалбга бехато урилади ва ўша “оний лаҳзалар” унинг келажак ҳаёти йўлини белгилайди. Инсон чин дилдан хоҳласаа орзуши ўшалади. Инсон орзу сари бир қадам ташлаши билан ўзидан ўзи имконият эшиклари очилади ва бу ҳодисани сўз билан изоҳлаш мушкул. Инсон руҳияти қанчалик кучли бўлса, мақсади тез ўшалади ва кўзланган натижага эришилади. Мақолада “Ирфонийлик ва дунёвийлик уйғунлиги (плюралистик ёндашув, мустақил фикрлаш, иродани чиниқтириш, тафаккурни юксалтириш, дунё ҳалқлари илғор маданиятини танқидий ўзлаштириш)” тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтириш орқали соғлом ижтимоий муҳитни яратишнинг концепцияси фалсафий талқин этилган.

**Калит сўзлар:** ирфонийлик, инсонийлик, ориф, илм, маърифат, ўзликни англаш, имконият, ирода, соғлом тафаккур, соғлом қалб, соғлом ижтимоий муҳит, кайфият, шукроналик, кечиримлилик.

**Исақова Замирахон Рухитдиновна,**  
кандидат философских наук, доцент  
(Узбекистан, Наманган)

## ФИЛОСОФСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПРИНЦИПА ПРОСВЕТЛЕННОСТИ И ЧЕЛОВЕЧНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

Каждый человек великий талант, но открытие таланта это мощный духовный подъем в человеке, в его поведении, в его мыслях, в котором талант привлекает, относится к нему со страстью, наполняет человеческую душу радостью и весельем и зажигает сердце. когда что-

то делаешь это сила, с которой движется. В глубине человеческого сердца, если человек может направить свои способности и талант к добру, он сможет открыть себя, независимо от того, чем он занимается. Идеи, кардинально меняющие жизнь человека, поражают сердце, как вспышка молнии, и эти “мгновенные моменты” определяют путь его будущей жизни. Мечта человека сбудется, если он этого искренне захочет. Когда человек делает шаг навстречу мечте, двери возможностей открываются сами по себе, и это явление трудно объяснить словами. Чем сильнее воля человека, тем быстрее будет достигнута цель и будет достигнут желаемый результат. В статье философски трактуется концепция создания здоровой социальной среды с акцентом на модернизацию системы образования, принцип “гармонии просветленности и человечности (плуралистический подход, независимое мышление, сила воли, мышление, критическое принятие передовой культуры народов мира)”.

**Ключевые слова:** просветленность, человечность, ариф, знания, маърифат, самосознание, возможность, воля, здоровое мышление, здоровое сердце, здоровая социальная среда, настроение, благодарность, прощение.

---

**Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna,**  
PhD in Philosophy, Associate Professor  
(Uzbekistan, Namangan)

## PHILOSOPHICAL INTERPRETATION OF THE PRINCIPLE OF ENLIGHTENMENT AND HUMANITY

### ANNOTATION

Each person is a great talent, but the discovery of talent is a powerful spiritual uplift in a person, in his behavior, in his thoughts, in which talent attracts, treats him with passion, fills the human soul with joy and joy and ignites the heart. When you do something it is the force with which it moves. In the depths of the human heart, if a person can direct his abilities and talent towards good, he will be able to open himself, no matter what he does. Ideas that radically change a person's life strike the heart like a flash of lightning, and these “instantaneous moments” determine the path of his future life. A person's dream will come true if he sincerely wants it. When a person takes a step towards a dream, the doors of opportunity open on their own, and this phenomenon is difficult to explain in words. The stronger the will of a person, the faster the goal will be achieved and the desired result will be achieved. The article philosophically interprets the concept of creating a healthy social environment with an emphasis on the modernization of the education system, the principle of “harmony of enlightenment and humanity” (pluralistic approach, independent thinking, willpower, thinking, critical acceptance of the advanced culture of the peoples of the world).

**Key words:** enlightenment, humanity, arif, knowledge, marifat, self-awareness, opportunity, will, healthy thinking, healthy heart, healthy social environment, mood, gratitude, forgiveness.

---

### КИРИШ

XXI асрда тубдан рухий янгиланиш, моҳиятан тозариш ва ахлоқий муқаммаллашишга зарурат туғилди. Рухиятдан узоқлашиб, моддийлашиб, рационаллашиб кетган инсон қаерда хато қилганини англаши ҳаёт эҳтиёжига айланди. Нанотехнологияларда эришилган сўнгги ютуқлар ҳам, иқтисодий барқарорлик ҳам, моддий фаровонлик ҳам маънавий-рухий эҳтиёжни қондира олмайди. Инсоннинг рухияти, ахлоқи ва маънавиятидаги кемтикларни тўлдириш учун ирфон ахлининг ҳаёти, фикрлари, ҳикматли сўzlари, ёзган асарларига мурожаат қилиш ва масаланинг ечимини умумбашарий асосда кўриб чиқиш асосида “Ирфонийлик ва дунёвийлик уйғунлиги (плуралистик ёндашув, мустақил фикрлаш, иродани чиниқтириш, тафаккурни юксалтириш, дунё ҳалқлари илғор маданиятини танқидий ўзлаштириш)” тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтириш орқали соғлом ижтимоий мухитни яратиш концепцияси таклиф этилди.

### МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Шарқ фалсафий тафаккурида инсон ва унинг руҳияти, сир-асорига етиш долзарб муаммо сарасига кирган. Абу Наср Форобий “Одамлар ўзларининг хос хусусиятлари ва табиий эҳтиёжларига кўра жамият тузадилар. Уларнинг ҳаракат ва феълларини даставвал бора-бора одатларга айланадиган табиий қобилият белгилайди” [Ал-Фараби. 1989: с. 229.]. Ибн Халдун инсон табиатида эзгулик ва ёвузлик мавжудлиги, одамлар ўз ҳолига қўйилса, инсонийлик руҳида тарбияланмаса, илоҳий марҳаматни қўлга кирита олмаслиги, илоҳий неъмат камдан кам кишига мұяссар бўлиши, бунинг изоҳи эса инсоннинг “хайр” ва “шарр” оралиғида қолиб, улардан муқобилини танлаш лозим бўлганида, унда “шарр”ни танлаши, инсон табиатида “шарр”га мойиллик устунлиги, адолатсизлик ва ҳукмронлик қилиш инсонга хослиги, жамиятда кишилар бир-бирига жабр қилмаслиги учун маърифатга эришишлари зарурлигини таъкидлаган [Ибн Хальдун. 2008: с. 15-21.].

Ғарб фалсафасида инсон руҳиятининг янгича талқини XX аср ўрталаридан бошланиб, Ф. Ницше [Ницше Ф. 1990.] томонидан асос солинган. В. Дильтей [Дильтей В. 1978.], О. Шпенглер [Шпенглер О. 1992.], Г. Зиммель [Ионин Л. 1981.], А. Бергсон [Бергсон А. 1908..] уни ривожлантириб, инсон ҳаётининг моҳиятини инсоннинг ўзидан англаб олишга қаратганлар. Техноген тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсоният ечимини топмаган янги хавф-хатар ва таҳдидлардан юксак ахлоқий қадриятларга эга бўлиш ва ўз инсоний моҳиятини англаш орқали халос бўлиши муқаррар. Шу ўринда машхур инглиз шарқшуноси Ж. С. Тримингэмнинг қўйидаги хулосаларини эслаш ўринлидир: “тасаввуфий йўл илгаригидек инсониятнинг маънавий соғломлигини сақлаш учун муҳим бўлиб қолмоқда [Тримингэм Дж. С. 1989: с. 298.].

Мазкур тадқиқотда илмий билишнинг объективлик, тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик, системалик, герменевтика, интерпретация, қиёсий таҳлил усуслари истифода этилди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсон руҳиятининг ирфоний моҳиятини англашнинг ўзига хос ва ўзлаштириладиган механизми ва шакллари мавжудки, масаланинг ечимини Шарққа хос бўлган шарқона тафаккур усуслари ва услублари ёрдамида эришилади. Инсоннинг асл қиймати унинг одоби, ахлоқи ва маънавияти билан белгиланади. Инсон танасида ҳосил бўладиган қувватнинг асосий қисми руҳдан ҳосил бўлади. Юракнинг қуввати миянинг қувватидан тахминан беш юз баробар юқори бўлиб, инсон ўзидан тарқатаётган электромагнит тўлқинлари бошқа инсон танаси ва миясига маълумот тарзида етиб боради. Инсон шу тахлит бошқаларда таассурот қолдиради ва бошқалар тарқатаётган энергиянинг хоссасидан уларнинг яхши-ёмонлигини билади.

Инсонни ўз руҳиятидан узоқташирадиган, бегоналаштирадиган ҳолатлар аслида инсоннинг ўзида, яъни инсоннинг ўзига ўзи сифинишидадир. Инсоннинг худопарастлиги замирада унинг худпарастлиги, яъни ўз манфаати, бетизгин орзусига етиш, ўзини химоя қилиш мужассам. Бундай сифиниш тижорат олди-бердисига ўхшайди. Азалдан инсоннинг Худодан бегона ҳолда Унинг марҳаматига сазовор бўлиш илинжи жуда кўплаб худоларни кашф қилишга сабаб бўлган: ҳосилдорлик худоси, уруш худоси, мухабbat худоси, санъат худоси ва ҳаказо. Қуръонда “Ўз ҳавои нафсини илоҳ қилганни кўрмадингми?” [Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири 2004: Фурқон сураси, 43-оят.] дейилганки, инсон худбинлик, манманлик, худпарастлик иллатидан қутулса, Ҳақ йўлни, ҳақиқатни, илоҳий моҳиятни топа олади. Инсон сўзининг луғавий маъноси “унутувчан”дир. Инсоннинг туйғу, ҳолат, кайфиятлари каби “мен”лиги ҳам тез ўзгарадики, “инсон ўзига хос, бетакрор (индивидуал) “мен”га эга бўлиши мушкул [Философский энциклопедический словарь. 1998: с. 572.].

Инсон ўз-ўзини англаши, ўзини топиши ва ўзини кашф этиши маънавий-руҳий такомиллашув жараёни бўлиб, бу мартабага етмагунча инсон “... (ўз) тасаввур(лари)да(ги) хаёлий ва ўзлари ясаган худоларга сифинади. Ўзича ниманидир тасаввур этади ва бу тасаввурни “худо” деб атайди ва шунга ибодат қилиб яшайди. Ҳар бир кишининг хаёлий тасаввури ўйлаб топилган ва ўзи яратган нарсадир. (Шунинг учун) Улар бутга (санамга) сифинувчилардан хижолатда (бўлишлари керак)..., (чунки) уларни ўзлари чўпдан бут ясаб, ўзлари ижод қилиб

(яъни, ясаб олган нарсаларига сиғинадилар), дея мазаммат этадилар. Аммо билмайдиларки, ўзлари ҳам айни шу ҳолдадирлар ва бутун умрлари давомида шундай яшаб, Мутлақ Илоҳ бўлган Хожаи оламни танимай ўтиб кетадилар... улар аниқлаган жамиъ нарсалар... уларни ўзларига боғлаб қўйди ва паастиш – сиғиниш ашёсига айланди, яъни нафақат оддий одамлар, балки шариат аҳли, илмий-назарий тафаккур эгалари ва экзотерик фалсафа намояндлари ва бошқа кўплар ҳам “Анал Ҳак” мартабасига эришмагунларича бутпарастлигича қолишади. Бутпараст ҳаётини жаҳон аҳли билан зиддиятда беҳаловат, кунларини жанжал, тортишув ва инкорлар билан ўтказади. Бутпараст фақат ташқи сабаб, яъни “важх” (Ҳак зотининг файз улашувчилик сифати)ни англаш билан чекланиб қолган, моҳиятга – Сабаблар сабаби (Аллоҳ)га етиш даражасига эришмаган. “Кимки важхни четлаб ўтиб, илоҳий ҳақиқатни англаб етган бўлса, бутпарастликдан кутулган бўлади ва дафъатан жаҳон аҳли билан муросага келади, инкору шубҳадан халос бўлади, кўнгли тинчийди. Кимки “важх”га етиб ҳақиқатга етмаган бўлса, Парвардигорга иймон келтирган эса ҳам, у бутпарастдир. Кимки, ҳақиқатга етган бўлса ва Парвардигорга сиғиниб ибодат қиласа, у аҳли Ваҳдатдир [Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. 1980: с. 122.].

Бугунги кунда жаҳон афкор оммасини ташвишга солаётган муаммолар ичida иқтисодий муаммодан ҳам эътиборлиси ахлоқий парокандалиқ, маънавий таназзул, тамаддуний инқироздир. Зоро, инсон маънавияти билан инсонлик мақомини сақлаб қолади, аксинча, маънавиятдан маҳрум инсон бефарқ, манқурт (индефферент)га айланади. Бугунги кунда оломон маданияти билан бирга руҳсизлик ва руҳиятсизлик ҳам ривожланган, ривожланаётган ва қашшоқ мамлакатларда бирдек таъсир кўрсатиб, инсоний тушунчалар ўлиб, йўқолиб бормоқда. Иқтисодий қийинчилик ва сиёсий низолар халқнинг маънавий бузилишига, жамиятда ахлоқий иллатларнинг кўпайишига замин яратади, агар инсон ўз замони ҳақида жон кўйдирмаса, уни инсон деб ҳисоблаб бўлмайди [Азизиддин Насафий. 1995: с. 31.].

Маънавий инқирознинг олдини олиш имкони борми? Бугун иллатнинг олди олинмаса, эртага нима бўлади? Илмий изланишлар самараси башарият олдида кўндаланг турган муаммоларни ижтимоий прогноз қилиш имкониятини беради: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз, болаларимизни бирорларнинг кўлига бериб кўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим, бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз” [Мирзиёев Ш.М. 2017: с. 39.].

Инсон руҳий баркамоллик учун туғилади, яъни инсон мутлақ идеал сари қадам ташлаши билан унга янги ва сирли олам намоён бўлади. Инсон истак-орзусини амалга ошириши учун имкониятлар мавжудки, қандай ишни бажаришни истаса, ўшани қила олади, қийин вазиятга тушиб қолса, ундан чиқиши йўлини билади, ундан фақат руҳан кучли ва иродали бўлиш талаб этилади. Бунинг учун зоҳирий оламдаги шарт-шароитнинг даҳли йўқ, аксинча, орзу инсоннинг ботиний оламида рўёбга чиқиши лозим. Инсоннинг ботини хуррият оламидир:

Йўл мардларига ҳаёт берар бир ўзга жон,  
Кўк қушларига бўлди тайин амри макон.  
Ботин кўзи билан бок, уларга бордир,  
Ҳар икки жаҳонга ўхшамас сирли жаҳон [Донишмандлар тухфаси. 2009: с. 193.]

Инсон ҳаётидаги ҳар бир эврилиш, йўқотиши каби ҳолатлар, яъни ўтган умрнинг “кул”га айланиши инсоннинг руҳан янги поғонага чиқиши, акмеологик юксалиши, муваффақиятга эришиши, янги ҳаёт нишонасиdir. Ҳаёт ёмон томонга ўзгариши билан унинг инсон англаб етмаган янги кирралари кашф этилади, ёмонликдан яхшилик, тубанликдан юксалиш, инқироздан муваффақиятнинг антиномик йўли очилади. Инсон руҳиятида нимадир қилиш ёки ниманидир яратиш истагини пайдо қиласа, руҳиятида қурдатли кучни топади. Инсон ҳар қандай енгиб бўлмас мashaққат ва тўсиқдан ўтишга тайёр бўлади.

Хаётдан мамнунлик, миннатдорлик, розилик, шукроналик түйгүси руҳан ва маънан бойлик нишонасидир. Аксинча, пули қанча кўп бўлса ҳам, яна пул топиш учун елиб югуриб, хаётдан нолийдиган ва ношукрлик қиласидиган инсон аслида руҳан ва маънан қашшоқдир. Шу ўринда “Дунё ичига кир, лекин дунё сенинг ичингга кирмасин” деган орифона ҳикматнинг когнитив маъноси теран англашилади.

Диний ва дунёвий қадриятлар уйғунылигидаги меъёрларнинг бузилиши диний ва дунёвий қадриятларнинг қадрсизланишига, яъни одамларнинг ахлоқий ва аксиологик жиҳатдан таназзулга учрашга олиб келади.

Инсон ҳаётида пайдо бўлган турли негатив кечинмалар, руҳий ҳолатлар ва кўнгилсизликлардан диний амалларни бажариш орқали таскин излайди ва ибодат орқали “фориғланиш”, яъни “катарсис” (катарсис жараёнида қарама-қарши, оғир ва азобли кечинмалар ечим топади. Бу қисқа тўқнашув асосида, бир кечинманинг барҳам топиши, негатив кечинмалардан озод бўлиш, “покланиш” ҳодисаси юзага келади) ҳолатига эришади.

Ҳар қандай жамият унда яшайдиган одамларни аксиидир. Барқарор жамият қуриш унда яшайдиган кишиларни маънавий-ахлоқий такомиллаштириш йўлини топиш шартини қўяди. Техника ва технология юксалган XXI аср ўзининг ҳайратомуз янгиликлари ва ахборот оламидаги новаторлиги билан илғорлаб кетган бўлса ҳам, ахлоқий, диний масалалар, мутаассиблик, ақидапарастлик, келишмовчилик, нифоқ, маданиятлараро тушунмовчилик, ноқислик, яшаш сирларидан бехабарлик борасида X-XIII асрдан унча фарқ қилмайди. Аксинча, бугунги даврда яшаётган инсонга ўтмишда қадрга эга бўлган, ахлоқий камолот, меҳр-муҳаббат, уйғунылик, ҳаётнинг моҳияти ва мақсади бўлган альтруистик қадриятлар, жумладан, меҳр, оқибат, инсонпарварлик, одамийлик, саховат, ишқ, хотиржамлилкка ҳар қачонгидан кўра кўпроқ муҳтоҷлик сезилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, техника ва технология юксалган шаҳарлар унда яшовчи инсонларнинг қалблари туфайли гуллаб-яшнайди, қалби пок инсонлар яшайдиган шаҳарларда тўқислик ҳокимлик қиласи. Ўша қалбларда Аллоҳга ишонч йўқолган, тақво сусайган, иймон кучсизланган, ёлғон ва фириб муттаҳамлик ҳукмрон бўлса, бу шаҳарлар қанчалик обод бўлмасин таназзулга маҳкумдир.

Илк бор таклиф этилаётган ирфонийлик ва инсонийлик тамойилига қўра, масаланинг моҳияти қўйидаги аспектда теран англашилади:

1. Билим инсоний қадриятлардан биридир. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти асосида билим концепцияси мужассам бўлиб, илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар иқтисодий ўсишга замин яратган. Ҳар қайси жамиятда ёшлар тараққиётнинг жуда катта таянчи, улкан ресурс, бебаҳо хазина деб юксак баҳоланади. Ёш авлодда билимга чанқоқлик, қизиқувчанлик, креативлик, инсайтлик каби сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш лозим. Бу борада ўтмиш маънавий мерос мустаҳкам асос (фундамент) бўлиб хизмат қиласи. Улуг мутафаккирлар асарларини кутубхоналарда чанг босиб ётиши учун ёзишмаган, аксинча, келажак авлоднинг ўзларидан ҳам буюқ мутафаккирлар, даҳолар, қашфиётчилар бўлиши учун ўз илмларини мерос қолдиришган. Илм инсонни ҳар жиҳатдан юксалтирадики, энг катта бойлик ақл-заковат ва илм, энг катта мерос яхши тарбия, энг катта қашшоқлик билимсизликдир.

2. Ўзликни англаш бугунги кунда жамиятда содир бўлаётган салбий иллатлар замири инсоннинг моҳиятдан узоқлашгани, сохтакорлик, эътиборсизлик, масъулиятысизлик, коррупция, ҳавои нафс, шаклпарастликка бориб тақалади. Инсон қачон жиноят қиласи? Жаҳолат пардаси билан ўралган (билимсизлик) бўлса ёки Худони танимаса. Ислом тарихида жуда кўп таъсирли воқеалар бўлганки, бир валий (Сайфиддин Боҳарзий)нинг тақвоси, яъни тўғрисўзлиги туфайли бутун бошли мӯғуллар исломни қабул қилган бўлсалар, ислом динининг асл моҳиятидан бехабар мусулмоннинг жоҳилона хатти-ҳаракати ёки сўзи билан ислом террор, экстремизм, мутаассиблик дини сифатида кўриладиган бўлди.

3. Ҳаётга янгича ёндашув ўз-ўзини танқид қилишдан бошланади. Бошқаларни ўзгартироқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартириши керак. Ўзининг камчиликларини атрофлича қўриб чиқиши ва бирма-бир бартараф этиш орқали инсон тафаккурида ўзгариш бўлади. Ўз-ўзини танқид маънавий камолотга олиб боради. Ўз-ўзига маҳлиёлик инсонни

ҳалокатга етаклайди. Ўзига танқидий муносабатда бўлган инсон жамият фаровонлиги учун виждан билан, масъулият билан ва ҳалоллик билан ўз ҳиссисини қўшади. Инсон ҳаёти жамият ривожи билан узвий боғлиқ жараёндир. Жамият градация (босқичма-босқич кучайтириш) бўйлаб ривожлангани сари инсоннинг дунёкараши, тафаккури, идроки ва нутқи ҳам тадрижий ўзгаради. Ҳадисда “Қоқилмагунча ҳалим бўлмас, тажриба кўрмагунча ҳаким бўлмас” дейилганки, соғлом тафаккурнинг асоси Қуръон, ҳадис, мутафаккирларнинг ҳикматли сўzlари ва барҳаёт маънавият сарчашмаларидир.

4. Фарзанднинг ёшлигидан унга илмга рағбат уйғотиш, ахлоқ-одоб кўнималарини сингдириш натижасида унда илм-маърифат ва маънавиятга мойиллик уйгонади. Ёшларни бегоналар ва ёт мағкуралар алдовидан кутқариш учун интернетни маънавий-ахлоқий қиёфага солиш, жаҳолатга қарши маънавият билан қуролланиш, энг оммавий сайлар (тик-ток, инстаграмм, ютубе)да илм-маърифатга чорловчи мазмунли, қизиқарли, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини қондира оладиган чиқишилар билан тўлдириш шартки, ёшлар тўғри танлов қилиши учун имконият бўлсин. Илм-маърифат эгалари замонавий технологиянинг ютуқларидан унумли фойдаланаётган ва ёшлар онгини бемаъни чиқишилар билан заҳарлаётган “ялла”чи-ю тик-токчилардан маънавий устунлигини кўrsatiши давр тақозосидир.

5. Шукроналик қилинган яхшиликни эътироф этиб, уни овоза килишдир. Аллоҳ Ўзининг фазилати, қарами ва неъматларининг янада зиёда бўлишига шукрни сабаб қилган ва Ўзининг гўзал исмларидан бирини шукр орқали ифода қилган. Қуръонда “Ким яхшиликни холисона қилса, бас, албатта, Аллоҳ шукр қилувчи ва билувчидир” [Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири 2004: Бақара сураси, 158-оят.], “Яна Роббингиз эълон қилган (бу сўzlар)ни эслангиз: “Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношуқчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда каттиқдир” [Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири 2004: Иброҳим сураси, 7-оят.] дейилганки, неъматларга шукр қилиш улуғ фазилатdir.

6. Жалолиддин Румий “Ичиндаги ичиндадир” асарида кайфиятни ҳар қандай таълим жараёнида муҳим деб ҳисоблаган: “Сизга кайфиятнинг сон-саноқсиз алмашуви хос, сиз уларни бошқара олмайсиз. Сиз уларнинг ҳақиқий сабабларини билсангиз эди, уларни эгаллаган бўлардингиз. Агар сиз ўзингиздаги ўзгаришлар манбанини аниқлай олмасангиз, у ҳолда сизнинг ўзингизни шакллантирадиган ўзгаришларни қандай белгилай оласиз?” Инсон, аввало, ўзига нисбатан аъло кайфиятда бўлиши керак. Кайфият инсоннинг ижоди, кўтаринкилик баҳш этадиган, унга ёрқин келажакни кўrsатадиган кўзгудир. Кайфият қанчалик яхши бўлса, инсон бир неча кунда уddyalай олмаган ишини бир неча соатда уddyalaши мумкин. Фикр ҳам кайфиятга боғлиқ, кайфият қанчалик зўр бўлса, фикр шунчалик когнитив бўлади. Кайфият ўлганда, янги, тоза фикр келмайди. Ижобий фикрлаш ва келажакка умид билан қараш муваффақиятнинг ўзиdir.

7. Аллоҳ инсонларнинг бир-бирларининг айб ва нуқсонлари, хато-камчиликларини кечиришга буюрган: “... Бас, афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳмли зотдир” [Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири 2004: Нур сураси, 22-оят.], “(У тақводор зотлар) ... одамларнинг (хато-камчиликларини) кечирадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчilarни севади” [Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири 2004: Ол-и Имрон сураси, 134-оят.]. Аллоҳнинг кечиримлилик сифати бандага нисбатан юксак раҳм-шафқат намунасидир. Кечиримлилик инсон қалби учун фойдали жиҳатлари қалб хотиржамлиги, олийжаноблик, енгилликда намоён бўлади. Кечиримли бўлиш инсон саломатлиги учун манфаатлидир. Қалбни ислоҳ қилиш орқали мақсадга эришилади, чунки қалб тўғри бўлса, қолган барча ҳолатлар тўғри бўлади [Абдулқодир Гийлоний. 2004: с. 15.].

8. Миннатдорлик инсоннинг ўзида айни вақтда бор нарсасига шукроналик туйғусидир. Бу фалсафадаги сабаб-оқибат категориясига тўғри келади. Инсоннинг оламга бераётган қуввати, у қандай бўлишидан қатъий назар, албатта ўзига қайтиб келади. Қалб шукроналик ҳисси, миннатдорлик туйғуси билан тўлса, инсон соғлом ва баҳтли яшайди. Инсон ўз-ўзини

англаши, ўзини топиши ва ўзини кашф этиши инсоннинг Яратувчиси билан муноабатига боғлиқ бўлиб, инсон руҳияти кашфини унинг ўзидан бошқа ҳеч ким топа олмайди. Бу масалага ҳар бир шахс индивидуал ёндашадики, дин ва эътиқод, илоҳий моҳиятни таниш ва англаш қалбнинг ишидир. Куръонда “Бу Аллоҳ бир қавмга Ўзи инъом этган неъматини то улар ўзларидаги нарсани ўзгартирмагунларича ўзгартирувчи бўлмаслиги ва Аллоҳ ўта эшитувчи ва ўта билувчи бўлганидандир” [Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири 2004: Анфол сураси, 53-оят.] дейилганки, инсон бошқаларнинг унга муносабатини ўзгартиришларини истаса, аввало, ўз-ўзига бўлган муносабатни ўзгартириши лозим.

9. Руҳий тарбия ҳақида тушунчанинг тўғри шаклланмагани, ақида (эътиқод)нинг заифлиги ва шаръий илмларга беътиборлик, ахлоқий меъёларга беписандлик, масъулиятсизлик, дангасалик, тафаккур оқсоқлиги ва нафс қуллиги ва ҳаказо. “Нафси аммора” даражасидан кўтарила олмаслик, дунё муҳаббати, мол-мулкка ўчлик, хукмронликка интилиш, машхурлик васвасаси, керагидан ортиқ даражада дунё билан машғул бўлиш, руҳиятни заифлаштирадиган, охиратни унуттирадиган, фақат ҳозир билан яшашни тарғиб қиласидан оломон маданиятининг миллат онгини заҳарлаши ва кўнгилочар томоша ва тадбирларнинг кўпайиб кетиши, инсонни яшашга вақти етмайдиган даражада телевизор, телефон, интернет ва бошқа эрмаклар билан банд қилиниши, келажакка ишончнинг сусайиши ва гуноҳлардан тийилмаслик, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаслик, манфаат учун ахлоқий қадриятлардан воз кечиш, Яратувчисидан узоқлашиш ва ҳаказо. Шайх Абдулқодир Гийлоний бу борада шундай дейди: Ҳар қандай ҳаробалик гуноҳ туфайли келади. Чунки гуноҳлар шаҳарларни ҳароб, одамларни ҳалок қиласиди [Абдулқодир Гийлоний. 2004: с. 102.].

Инсон бир вақтнинг ўзида ўзаро диалектик алоқасиз ва келиштириб бўлмас, бирбиридан йироқ ва тескари юзлаб ва ва ҳатто минглаб майда “мен”лар ичидан мавжуд бўлади. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир вазиятда инсон “мен” деб ўйлади. “Мен” деб сўзлади. Бироқ ҳар гал “мен” аввалги “мен”дан бошқача, аввалги “мен”ни такрорламайди ва бир-биридан фарқланувчилир... Инсонни кўплик шаклидаги “оломон” дейиш мумкинки, бир инсоннинг ичидан минглаб “мен”лар мавжуд. Фикримизча, инсон руҳияти тарбияси учун қуидаги факторларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Яратувчисини таниш ва англаш, яхши инсонлардан тарбия олиш, ҳалол меҳнатга ўрганиш, китоб ўқиши ва илм олиш, яқин инсонлар билан бамаслаҳат иш қилиш, самимий, шикастанафс, тавозели ва хокисор бўлиш, яхшилик қилиш, дунёнинг ўткинчилигини ҳис қилиб яшаш. яшаб турган ҳаётидан баҳра олиш кераклигини тушуна олган инсон энг баҳтли ва муваффакиятлидир.

Руҳият кўп жиҳатдан онг ва тафаккур билан боғланмаган. Унинг илдизлари бошқа жойда. Инсон руҳият ва моддият ўзаро куч синашадиган майдон. Умр эса олишиш учун белгиланган фурсат. Макон ва вакт доирасида кечган “беллашув”дан қисмат, хотира, тарих қолади. Бу худди қишида ташқарининг совуғи, ичкарининг иссиғи таъсирида дераза ойнасида пайдо бўлган мафтункор нақшларга ўхшайди. Совуқ ва иссиқнинг кучи қанча шиддатли бўлса, нақш ҳам шунча жимжимадор, гўзал чиқади. Худди шундай, қалбида маънавий ва моддий кучлар беллашуви кескин кечган инсоннинг кўнгли ва тафаккур олами ҳам шунча гўзаллашади.

Инсон руҳияти шу қадар мураккабки, ўз ичидан инсоний фазилатни тақомиллаштириб, чин маънода комиллик касб этиши мумкин. Акс ҳолда, унинг руҳиятида инсоний фазилат ривожланмаган бўлса, у қанчалик катта мансаб ёки даража эгаси бўлмасин, жисмоний кучи қанчалик кўп бўлмасин, руҳи заиф, маънавий қашшоқ, тубан ва паст ахлоқ эгаси бўлиб қолади. Унинг хатти-ҳаракатидан бошқалар озор чекади, унинг руҳиятидаги педантизм (майдакашлик) ва иккиланиш токи у ўзини ўзи руҳан тарбияламагунича давом этади.

Инсоннинг вазифаси Аллоҳнинг борлигини англаш, Унга сўзсиз бўйсунишdirки, Худонинг ишларини Худонинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, бу ишлар инсон тасаввури доирасидаги қонун-қоидалар ва мезонларга тўғри келмайди. Шунинг учун Худонинг айтганларини талқин этиш инсоннинг вазифасига кирмайди: “Эшитдик ва бўйсундик” амрига мувофиқ яшайди.

Хар бир инсон чексиз күдратли қобилият билан туғилған. Бу инсонни буюк ишлар қилишга, ҳар қандай синов, машаққат ва қийинчиликларни қатъй билан ирода енгишга, үзига нисбатан ишонч ҳосил қилишга, үз-үзини қашф қилишга ва бу орқали ўзининг янги имкониятни очишга имкон беради. Аллоҳни топиш қалбнинг иши бўлиб, нафсни енгиш, иродани тоблаш, менликни англаш ва шу орқали Худони топиш қалб иродаси билан бўлади. Қалб доимий ҳаракатда бўлиши инобатга олинса, Аллоҳга интилган қалб АллоҳнингAoши атрофида айланса, нафс исканжасидаги қалб ўзи суйган ашё атрофида айланади. Қалбни ислоҳ қилиш орқали мақсадга эришилади, чунки қалб тўғри бўлса, қолган барча ҳолатлар тўғри бўлади.

## ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш орқали англашилди:

Биринчидан, инсоннинг руҳоният ва туйғулар оламига қарашни тубдан ўзгартириш, ирфоний билимлар сарчашмаларини янги усул, йўл ва воситаларда тарғиб этиш лозим;

иккинчидан, янгиланган ислоҳотлар янгича дунёқарааш, янгича тафаккур, янгича ҳаёт тарзи, янгича фаолиятни талаб этади. Янги ислоҳотлар билан эски қолипдаги дунёқарааш ва тафаккур келиша олмайди, аксинча, ирфоний билимларни чукур ўзлаштириш керак;

учинчидан, жамиятга ирфоний билимларни мажбурлаб тақдим этиб бўлмайди, негаки, эркин ва ихтиёрий ўзлаштирилган билимлар қалбга сингади;

тўртинчидан, “Дунёни маърифат қутқаради” тамойили асосида интернет тармоғида маърифий сұхбатлар орқали ирфонийлик ва инсонийлик тамойилини тарғиб этиш лозим.

бешинчидан, “Ирфонийлик ва дунёвийлик уйғунлиги” тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтириш орқали соғлом ижтимоий мухитни яратиш концепциясига кўра, муаммога плюралистик ёндашув, мустақил фикрлаш, иродани чиниктириш, тафаккурни юксалтириш, дунё ҳалқлари илғор маданиятини танқидий ўзлаштириш жамланган тренинглар, мастер класслар, давра сұхбатлари олиб бориш орқали кўзланган мақсадга эришилади.

“Ирфонийлик ва дунёвийлик уйғунлиги” концепциясидан кўзланган мақсад инсоннинг руҳоният ва туйғулар оламига қарашни тубдан ўзгартириш, ирфоний билимлар сарчашмаларини янги усул, йўл ва воситаларда тарғиб этиш, ирфоний маъно ва тимсолнинг зоҳирий “қатлам”лари ҳақида баҳс-мунозарага барҳам бериш ва бу қатламлар ҳақидаги билимларни очиб беришдир. Бунинг учун ирфоний билимларни чукур ўзлаштириш талаб этилади. Ирфон илми илоҳий моҳиятни қашф этиш, идеал, гўзал ахлоқ, мукаммал ишқ, пок руҳоният, юксак маънавият, соғлом ақл, ҳикмат ва илм уйғунлигини ўзида мужассам этган Аллоҳни таниш, билиш ҳамда англаш илми бўлса, ориф инсоннинг қалби ва руҳининг табиби, том маънода инсоншунос, ахлоқий камолот даражасига кўра башарият учун юксак намунадир. Масалага инновациян ёндашув глобал маърифий, маънавий-маданий жараёнларни уйғунлаштириш, умуминсоний қадриятларни асрash учун гуманистик аҳамиятга эга бўлиб, барча ҳалқлар маънавий ва ахлоқий такомилига имконият яратади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АЛ-ФАРАБИ. Философия политики. – М.: 1989. 229-бет.

ИБН ХАЛЬДУН. Введение в историю (ал-Муқаддима). Фрагменты. Перевод с арабского, комментарии и примечания И.Л.Алексеева, А. В. Душак и А.Ш.Столыпинской // Pax Isamica, 1/2008, 15-21-бетлар.

НИЦШЕ. Ф. Сочинение в 2-х томах. – М.: 1990.

ДИЛЬТЕЙ В. Типы мировоззрения и обнаружение их в метафизических системах / Современная буржуазная философия. – М.: 1978.

ШПЕНГЛЕР О. Закат Европы. – М.: 1992;

ИОНИН Л. Георг Зиммель – социолог. Критические очерки. – М.: 1981.

БЕРГСОН А. Творческая эволюция. – М.: 1908; Унинг ўзи: Время и длительность. – М.: 1910;

- ТРИМИНГЭМ Дж.С. Суфийские ордены в Исламе // Пер. с английского А.Ставиской. Под ред. и с пред. О.Ф.Акимушкина. – М.: Наука, 1989. 298-бет.
- ҚУРЬОНИ КАРИМ МАЊНОЛАРИНИНГ ТАРЖИМА ВА ТАФСИРИ / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. Масъул мухаррир: З.Хусниддинов. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. Фурқон сураси, 43-оят. Бақара сураси, 158-оят. Иброҳим сураси, 7-оят. Нур сураси, 22-оят. Ол-и Имрон сураси, 134-оят. Анфол сураси, 53-оят.
- ФИЛОСОФСКИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЧЕСКИЙ СЛОВАРЬ. – М.: Инфра, 1998. 572-бет.
- ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРИХИДАН. – Т.: Фан, 1980. 122-бет.
- АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ. Зубдат ул-ҳақойик. (Ҳақиқатлар қаймоғи) / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: Камалак, 1995. 31-бет.
- МИРЗИЁЕВ Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 39-бет.
- НАЖМИДДИН РОЗИЙ / Донишмандлар тухфаси. Рубоийлар. Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муал. Э.Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 193-бет.
- АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНӢ (Ғавс ул-Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. I-китоб / Таржимонлар: Муҳаммаджон Нуриддин, Олимхон Юсуф, Аброр Абдулазим, Абдулбоки Азим. – Т.: Мовароуннахр, 2004. 15-бет.

## БИБЛИОГРАФИЯ

- АЛ-ФАРАБИ. Философия политики. – М.: 1989. С. 229.
- ИБН ХАЛЬДУН. Введение в историю (ал-Мукаддима). Фрагменты. Перевод с арабского, комментарии и примечания И.Л.Алексеева, А. В. Душак и А.Ш.Столыпинской // Pax Isamica, 1/2008, С.15-21.
- НИЦШЕ. Ф. Сочинение в 2-х томах. – М.: 1990.
- ДИЛЬТЕЙ В. Типы мировоззрения и обнаружение их в метафизических системах / Современная буржуазная философия. – М.: 1978.
- ШПЕНГЛЕР О. Закат Европы. – М.: 1992;
- ИОНИН Л. Георг Зиммель – социолог. Критические очерки. – М.: 1981.
- БЕРГСОН А. Творческая эволюция. – М.: 1908; Унинг ўзи: Время и длительность. – М.: 1910;
- ТРИМИНГЭМ Дж.С. Суфийские ордены в Исламе // Пер. с английского А.Ставиской. Под ред. и с пред. О.Ф.Акимушкина. – М.: Наука, 1989. С. 298.
- ПЕРЕВОД И ТОЛКОВАНИЕ ЗНАЧЕНИЙ СВЯТОГО КОРАНА / Автор перевода и комментариев А. Мансур. Ответственный редактор: З. Хусниддинов. Автор перевода и комментариев Абдулазиз Мансур. – Т.: Издательство Ташкентского исламского университета, 2004. Сура Фуркан, стих 43. Сурат аль-Бакара, стих 158. Сура Ибрагим, стих 7. Сура Ан-Нур, стих 22. Сура Аль-Имран, стих 134 Сура Анфаль, стих 53.
- ФИЛОСОФСКИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЧЕСКИЙ СЛОВАРЬ. – М.: Инфра, 1998. С. 572.
- ИЗ ИСТОРИИ СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОЙ МЫСЛИ В УЗБЕКИСТАНЕ. – Т.: Наукв, 1980. С. 122.
- АЗИЗИДДИН НАСАФИ. Зубдат уль-ҳақайик / Пер. С персидского Н.Камилова. – Т.: Радуга, 1995. С. 31.
- МИРЗИЕВ Ш.М. Верховенство закона и защита интересов человека являются ключом к развитию страны и благополучию людей. – Т.: Узбекистан, 2017. С. 39.
- НАДЖМИДДИН РОЗИЙ / Дар мудрых. Рубайят. Переводчик, издатель, предисловие и комментарии. Э.Очилов. - Т.: Узбекистан, 2009. С. 193. 2004. С. 15.
- АБДУЛҚАДИР ГИЙЛАНӢ (Ғавс уль-Аъзам). Понимание господства и обретение милости милосердия. Книга I / Переводчики: Мухаммаджон Нуриддин, Олимхон Юсуф, Аброр Абдулазим, Абдулбоки Азим. – Т.: Мовароуннахр,

## REFERENCES

- AL-FARABI. Philosophy of Politics. – M.: 1989. P. 229.
- IBN KHALDUN. An introduction to history (al-Mukaddim). Fragments. Translation from Arabic, comments and notes by I.L. Alekseev, A.V. Dushak and A.Sh. Stolypinskaya // Pax Isamica, 1/2008. P. 15-21.
- NIETZSCHE. F. Composition in 2 volumes. – M.: 1990.
- DILTHEY V. Types of worldview and their detection in metaphysical systems / Modern bourgeois philosophy. – M.: 1978.
- SPENGLER O. Decline of Europe. – M.: 1992.
- IONIN L. Georg Simmel – sociologist. Critical Essays. – M.: 1981.
- BERGSON A. Creative evolution. – M.: 1908; Uning ўзи: Time and duration. – M.: 1910.
- TRIMINGHAM J.S. Sufi orders in Islam // Per. from English by A. Staviska. Ed. and with the pre. O.F. Akimushkina. – M.: Nauka, 1989. P.298.
- TRANSLATION AND INTERPRETATION OF THE MEANINGS OF THE HOLY QURAN / Translation and interpretation author A.Mansur. Responsible editor: 3. Husniddinov. The author of the translation and comments is Abdulaziz Mansur. – T.: Tashkent Islamic University Publishing House, 2004. Surah Furqan, verse 43. Surat al-Baqara, verse 158. Surah Ibrahim, verse 7. Surah An-Nur, verse 22. Surah Al-Imran, verse 134 Surah Anfal, verse 53.
- PHILOSOPHICAL ENCYCLOPEDIC DICTIONARY. – M.: Infra, 1998. P.572.
- FROM THE HISTORY OF SOCIO-PHILOSOPHICAL THOUGHT IN UZBEKISTAN. – T.: Fan, 1980. P. 122.
- AZIZIDDIN NASAFI. Zubdat ul-haqayik / Transl. From Persian N. Kamilov. - T .: Raduga, 1995. P. 31.
- MIRZIYOEV Sh.M. The rule of law and the protection of human interests are the key to the development of the country and the well-being of the people. – T.: Uzbekistan, 2017. P. 39.
- NAJMIDDIN RAZI / Gift of the Wise. The Rubaiyat. Translator, publisher, foreword and commentary. E.Ochilov. – T.: Uzbekistan, 2009. P. 193.
- ABDULKADIR GIYLONI (Ghaws ul-A'zam). Understanding the Lordship and gaining the grace of mercy. I-book / Translators: Muhammadjon Nuriddin, Olimhon Yusuf, Abror Abdulazim, Abdulboki Azim. – T.: Movarounnahr, 2004. P. 15.